

# “ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ” курси



## 1-МАВЗУ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА



*Алиқориев Олимхон – и.ф.н., доц., Олий бизнес мактаб  
Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи*

# ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Тадқиқот ўрганиш жараёни  
ҳисобланади, тизимли ва методик  
кўринишда бўлади ва у билимни оширади*



## ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Тадқиқотчилар маълумотларни **йиғиш ва таҳлил этиш** учун мос келадиган усулларни қўллаши ва улардан **қатъий тегишлилигига** қараб фойдаланишлари лозим*

# ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Билимларни генерация қилиш мақсадида  
**тадқиқот саволини ўрганиш тадқиқотнинг**  
мақсади ҳисобланади*



## ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Сиз ўрганаётган тадқиқот саволи, ўзингиз аниқлаган мавзу доирасида сиз тадқиқэтаётган муаммо ёки масаладан келиб чиққан ҳолда шаклланади*

# ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Тадқиқот давомида сиздан синчковлик билан танланган мавзунини ўрганиб чиқиш ва шу билан бирга тадқиқот давомида қўлланиладиган услубларни танлаш талаб этилади*



## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ


- ✓ Мавжуд билимларни умумлаштириш ва шарҳлаш;
- ✓ Мавжуд бирор-бир муаммони ёки ҳолатни ўрганиш;
- ✓ Муаммони ечиш;
- ✓ Умумий масалаларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- ✓ Янги тизим ёки иш тартибини тузиш;
- ✓ Янги ҳодиса ёки феноменни тушунтириш;
- ✓ Янги билимни генерация этиш;
- ✓ Юқорида айтилганларни исталганини комбинацияси.

## ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Кўриниб турибдики тадқиқот яқуний мақсадга эга, чунки у аниқ бир натижага эришиш мақсадида амалга оширилади*

## ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИЯТИ

*Талабалар учун тадқиқот натижаси бакалаврият, магистратура ва докторантура даражаларини олиш мақсадида ёзилган **диссертация** кўринишида бўлиши мумкин*



# ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ

Ҳукумат  
ташкилотлари

Бизнес эгалари,  
менежерлар ва  
бизнес-  
консультантлар

Бошқарувчилар

Олимлар

# ТАДҚИҚОТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

## Тадқиқот мақсадига кўра

- тадқиқот ўтказилишининг мақсади нима бўлганлиги, нима сабабдан ўтказилганлигига кўра

## Тадқиқот жараёнига кўра

- маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш усул ҳамда услубларига кўра;

## Тадқиқот мантиқига кўра

- тадқиқот йўналиши умумийликдан конкретликка ёки тескарисига қараб йўналганлигига кўра

## Тадқиқот натижасига кўра

- кутилаётган натижа конкрет масаланинг ечими ҳисобланиши ёки мавжуд билимларга умумий ҳисса қўшишига кўра

# ТАДҚИҚОТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

<b>Тадқиқот тури</b>	<b>Классификация</b>
Эксплоратив (ўрганувчи), тасвирловчи, аналитик, прогноз	Тадқиқот мақсади
Миқдорий ва сифат	Тадқиқот жараёни
Дедуктив ёки индуктив	Тадқиқот мантиқи
Амалий ёки фундаментал	Тадқиқот натижаси

## ЭКСПЛОРАТИВ (ЎРГАНУВЧИ)

*Эксплоратив тадқиқотлар аввал ўрганилаётган муаммога тегишли бўлган тадқиқотлар ўтказилмаган ёки маълумотлар кам ёки йўқ бўлган ҳолатларда амалга оширилади*

*Ушбу турдаги тадқиқотни олиб боришдан мақсад маълум бир қонуниятни, ғояни ёки гипотезани қидириш ҳисобланади, лекин гипотезаларни текшириш эса ушбу тадқиқот турининг вазифаси ҳисобланмайди*

## *Гипотеза*

*Гипотеза деганда биз эмпирик исбот асосида сабаб-оқибат боғлиқлигини ёки тегишлилигини текшириш учун тадқиқотчи томонидан сурилган асосли таҳминни тушунамиз*

## *Эмпирик исбот*

*Ўз навбатида, эмпирик исбот бу кузатув, тажриба маълумотлари ва фактлар асосида мантиқий ҳисоб-китоблар ва хулосаларни чиқаришидир*

## ТАСВИРЛОВЧИ ТАДҚИҚОТЛАР

*Тасвирловчи тадқиқот ҳодисаларни улар қандай кўринишда бўлса ҳудди шундай ҳолда тасвирлаш мақсадида ўтказилади.*

*У кўп ҳолларда конкрет муаммо ёки масалани тавсифи ҳақидаги маълумотни олиш ёки идентификация қилиш учун ишлатилади.*

## АНАЛИТИК ТАДҚИҚОТЛАР

*Тадқиқотчи тавсифларни оддий тасвирлаш доирасидан чиқади ва нима сабабдан ушбу ҳодисалар рўй беришини ўрганади, таҳлил қилади, тушунтиришга ҳаракат қилади.*

*Шундай қилиб, аналитик тадқиқот ўз олдига мақсад қилиб омиллар ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлаш ва ўлчаш орқали ҳодиса ёки феноменни тушунишни қўяди.*

## АНАЛИТИК ТАДҚИҚОТЛАР

*Аналитик тадқиқотларнинг муҳим элементларидан бири сифатида ўзгарувчиларни назорат қилиш ҳисобланади, чунки бу критик ўзгарувчиларни ёки сабаб-оқибат боғлиқликни яхшироқ тушунтиришга ёрдам беради.*

*Ўзгарувчи*

*бу ўлчаш ёки кузатиш мумкин бўлган ходиса таъсифидир.*



## ПРОГНОЗ ТАДҚИҚОТЛАР

*Прогноз тадқиқотнинг мақсади гипотетик ва умумлаштирилган ўзаро муносабатлар асосида маълум ходисаларни прогнозлаш орқали умумлаштириш ҳисобланади.*

*Прогноз тадқиқот мавжуд ва келажакда бўладиган ҳолатларга қараб «қандай қилиб», «нега», «қаерда» каби саволларга жавоб беришга уринади. Ушбу тадқиқот “агар....бўлса...” каби кўринишдаги саволларга жавоб беришда ҳам фойдалидир.*

## СИФАТ ВА МИҚДОР ТАДҚИҚОТЛАРИ

Айрим талабалар ўз ишларида миқдорий усуллардан фойдаланмасликка ҳаракат қиладилар, чунки улар ўзларининг статистика борасидаги билимларига ишонмайдилар ва сифат усуллари улар учун маъқулроқ деб ўйлайдилар.

Кўпгина талабалар миқдорий усулларда умумий тузилмани шакллантириб олиш бўйича қарор қабул қийинлигини, лекин таҳлил ва уни ёритиб бериш қисми анча осонлигини кейинчалик тушунадилар. Чунки миқдорий усуллардаги тузилма одатда анча аниқ шаклланган бўлади.

## АМАЛИЙ ВА ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР

Амалий тадқиқотлар — бу тадқиқот натижаларини мавжуд конкрет муаммоларни ечишга қаратилган тадқиқотлардир.

Фундаментал тадқиқотлар тадқиқотлар ичида энг академик кўринишга эга ҳисобланади, чунки унинг асосий мақсади мавжуд билимларга ҳисса қўшишдир.

## ДЕДУКТИВ ВА ИНДУКТИВ ТАДҚИҚОТЛАР

Дедуктив тадқиқотда аввал концептуал ва назарий тузилма шакллантирилади ва сўнгра эмпирик кузатувлар амалга оширилади.

Индуктив тадқиқотда эса назария эмпирик кузатувлар натижасида шаклланади.

Ideas: What we think

**Theory**

Inductive  
reasoning



Deductive  
reasoning

**Data**

Reality: What we observe

# ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АКАДЕМИК ДАРАЖАЛАРИ

БАКАЛАВРИАТ  
ДАРАЖАСИ

МАГИСТРАТУРА  
ДАРАЖАСИ

ДОКТОРАНТУРА  
ДАРАЖАСИ

АКАДЕМИК  
ТАДҚИҚОТЛАР

- ✓ Илмий-тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқиш
- ✓ Тадқиқот ўтказилиши ҳақида Режа-асоснома (proposal) ёзиш
- ✓ Илмий тадқиқотни амалга ошириш

# ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИ ШАРҲИ

Мавзу танлаш ва адабиётлар қидириш



Адабиётлар шарҳи ва тадқиқот саволини аниқлаш



Тадқиқот дизайнини тузиш ва режа-асосномани ёзиш



Маълумотлар йиғиш



Маълумотларни интерпритация қилиш ва таҳлил этиш



Диссертацияни ёки тадқиқот ҳисоботини ёзиш

## ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИ

Агар сиз талаба бўлсангиз, мавзу сизнинг таълим йўналишингиз асосида танланади, агарда сиз академик соҳа вакили (профессор, ўқитувчи, илмий ходим) бўлсангиз ўз фаолиятингиз йўналишидан келиб чиқади.

Айрим ҳолларда ўзингизнинг қизиқишингиз, тажрибангиз, авваллари ўтказган курс ишларингиз асосида сизнинг тадқиқот мавзуингиз ўз-ўзидан аён бўлиши мумкин.

## МАВЗУНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Илмий тадқиқотларда тадқиқот муаммосини топшининг классик усули бўлиб адабиётларни ўрганиш ва улардаги ўрганилмаган муаммоларни топши ҳисобланади. Улар сизга оригинал тадқиқот йўналишларини кўрсатиши мумкин.*

*Агар кўпгина илмий тадқиқотларга эътибор қаратсангиз хулоса ва натижалар қисмида сиз келгуси тадқиқотлар бўйича тавсия ва таклифларни топшингиз мумкин.*

*Сиздан ўз ғояларингизни жамлаш, тадқиқот ҳажми ва кенглик даражасини аниқлаш ва параметрларни аниқлаш талаб этилади.*

# ТАДҚИҚОТ ДИЗАЙНИ

*Тадқиқот дизайнининг* бошланғич нуқталаридан бири бўлиб тадқиқотингиз парадигмаси ҳисобланади

## *Тадқиқот парадигмаси*

Бу бошқача қилиб айтганда тадқиқот тузулмасидир ва у тадқиқот қай тарзда амалга оширилишини инсонлар фалсафаси, дунёнинг тузилиши ва билимларнинг моҳияти асосида белгиланади.

## *Методология*

Сизнинг тадқиқот жараёнига умумий ёндашуvingиз эса *методология* деб аталади. Методология ва тадқиқотингизни қай тарзда ўтказишингиз кўп ҳолларда сизнинг тадқиқотингиз вазифалари, келтирилган фаразлар, таҳминларингиз, ва қай тарзда тадқиқот саволлари тузилганлиги билан аниқланади.

## ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ

Агар сиз миқдорий усул методологиясидан фойдалансангиз сизга ўзгарувчиларни ўлчаш ёки ўрганилаётган ҳодиса ҳолатларини санаш керак бўлади.

Агар сиз сифат усули методологиясини қўлласангиз сиз ўрганилаётган ҳодиса билан боғлиқ матн мазмунига, ғоялар, ҳиссиётларга эътиборингизни қаратасиз.

# МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

Қайси таҳлил усулларидан фойдаланиш масаласини ҳал этмагунча маълумотларни йиғиш усуллари бўйича қарорни қабул қилмаслик мақсадга мувофиқдир

## *Маълумотлар таҳлили*


Бу тизимли равишда статистик ва/ёки мантиқий усулларни қўллаш орқали маълумотларни таърифлаш, тасвирлаш, ихчамлаштириш, хулоса ясаш ва баҳолашдир.

# ДИССЕРТАЦИЯНИ ЁЗИШ

<b>1. Кириш</b>	<b>10%</b>
- Тадқиқот муаммоси ва тадқиқот мақсади	
- Тадқиқот аҳамияти, замини ва асослари	
- Диссертация тузилмаси	
<b>2. Адабиётлар шархи</b>	<b>30%</b>
- Мавзуга оид мавжуд билимларни баҳолаш	
- Назарий асос	
- Тадқиқот саволи ва фаразлар	
<b>3. Методология</b>	<b>20%</b>
- Парадигмани аниқлаш	
- Методологияни ва усулларни танлашни асослаб бериш	
- Тадқиқот дизайннинг чекловлари	

<b>4. Таҳлил ва натижалар (бу ерга бобларни кўшиш мумкин)</b>	<b>30%</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Сизнинг маълумотларингизни таҳлилин, статистик тестлар ва улар натижаларини намоёиш этиш ва муҳокама этиш</li> </ul>	
<b>5. Хулоса</b>	<b>10%</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тадқиқот саволига тегишли натижаларни қисқача ифода этиш</li> <li>- Фан ва билимни ошишига қўшган ҳиссангиз</li> <li>- Тадқиқотингиз чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар</li> <li>- Тадқиқотингизнинг амалиётга тегишлилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти</li> </ul>	
<p><b>Фойдаланилган адабиётлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Матнда иқтибос қилинган барча ресурсларнинг деталлаштирилган, алфавитли (рақамлашган) рўйхати (Гарвард стилида)</li> </ul>	
<p><b>Иловалар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Келтирилган матнга тегишли, лекин диссертациянинг бирор қисмида кўрсатилмаган маълумотлар</li> </ul>	

# ТАДҚИҚОТ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ



# НАМУНАЛИ ТАДҚИҚОТ ТАВСИФИ

КРИТЕРИЙ	ҚОНИҚАРСИЗ ЛОЙИҲА	НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲА
Тадқиқот муаммоси ва рамакалари	Аниқ эмас ва фокусга эга эмас	Фокусга эга, академик дебатга тегишли
Адабиётлар шарҳи	Рўйхат сифатида келтирилган Долзарблиги аниқ эмас Баҳолашнинг йўқлиги Тадқиқот саволининг йўқлиги, Фокусга эга эмас ва амалда фойдаланиб бўлмайди	Энг янги адабиётларни критик баҳолаш амалга оширилган  Тадқиқот саволи билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган
Методология	Тадқиқот дизайни билан боғлиқ эмас Танланган услубларнинг асосланмаганлиги Адабиётлар шарҳи билан боғлиқ бўлмаганлиги	Яхлит дизайн Тадқиқот дизайни вариантларининг сифатли таҳлили Адабиётлар шарҳи билан боғлиқлиги

# НАМУНАЛИ ТАДҚИҚОТ ТАВСИФИ

<p><b>Таҳлил ва муҳокама</b></p>	<p>Тадқиқот саволи билан боғлиқ бўлмаган хулосаларнинг берилиши Муҳокамани адабиётлар шарҳи билан боғлашга уринишнинг йўқлиги</p>	<p>Янги билим ва тушунчаларни генерация қиладиган аниқ аналитик кўринишдаги хулосалар муҳокамасининг берилиши Адабиётлар шарҳи билан боғлиқлиги</p>
<p><b>Хулоса</b></p>	<p>Хулосалар мавжуд, лекин улар тадқиқот саволи билан боғлиқ эмас Натижалардан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва тадқиқот чекловлари келтирилмаган</p>	<p>Хулосалар тадқиқот саволи билан аниқ боғлиқликка эга Эътибор натижалардан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва чекловларга қаратилган</p>
<p><b>Фойдаланилган адабиётлар</b></p>	<p>Нотўғри иқтибос қилиниши натижасида плагиат муаммосининг вужудга келиши</p>	<p>Иш охирида тўлиқ библиографик маълумотлари билан рўйхат кўринишида барча матнда иқтисбос қилинган манбалар келтирилган</p>
<p><b>Яхлитлилик</b></p>	<p>Кузатиб бориш мураккаб Кўплаб орфографик ва грамматик хатолар мавжуд</p>	<p>Фикрлар тушунарли кетма-кетликда берилган Грамматик ва орфографик хатолар мавжуд эмас</p>

## Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### Асосий адабиётлар

1. Collis J., Hussey R. (2003) Business Research 2nd edition, Palgarve Macmillan.
2. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition.
3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition.
4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York.

### V. Қўшимча адабиётлар

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – К.: МАУП, 2004.
2. Орехов А.М. Методы экономических исследований: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.
3. Сабитов Р.А. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. Челябинск, 2002.
4. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016.
5. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. – М.: Либроком.
6. Очиллов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Т.: ТашГИВ, 2009.
7. Сабитова Р.Г. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Дальневосточный гос. ун-т. Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, Владивосток, 2005.

### Интернет сайтлари

1. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
2. [www.cambridge.org](http://www.cambridge.org)
3. [www.doaj.org](http://www.doaj.org)
4. [www.springer.com](http://www.springer.com)
5. [www.e-library.ru](http://www.e-library.ru)
6. [diss.natlib.uz](http://diss.natlib.uz)
7. [www.plos.org](http://www.plos.org)
8. [www.wdl.org](http://www.wdl.org)
9. [press.natlib.uz](http://press.natlib.uz)



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ!!!**